XALQ DEPUTATLARI UCHTEPA TUMAN KENGASHINING QARORI

2021 - yil 14 - dekabr II-42-58-14-202-K/21 Uchtepa tuman hokimligi

Учтепа туманида жойлашган автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш хизматлар тури учун белгиланган тўловнинг чекланган миқдорини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 июлдаги “Автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 213-сонли қарор билан тасдиқланган Низомнинг 16-бандига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг 2021 йил 29 мартдаги 03-6/87-5-сонли тақдимномасини инобатга олиб, халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа туманида жойлашган автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш хизматлар тури учун белгиланган тўловнинг чекланган миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 19 февралдаги “Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида”ги 203-сонли қарорида келтирилган бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир

марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар ставкалари мазкур қарорга тегиши эмаслиги инобатга олинсин.

3. Туман давлат солиқ инспекцияси (Ғ.Досмухамедов)га:

юридик шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари тўхташ жойлари ва ноқонуний транспорт инфратузилмалари (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари ва гараж) яширин иқтисодий фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларни аниқлаш ва қонунийлаштириш чоралари кўрсин;

автомототранспорт воситаларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар томонидан белгиланадиган тарифлар автомототранспорт воситалари тўхташ жойларида тарифлар миқдори кескин фарқ қилишига, турли ноқонуний амалиётлар вужудга келишига, носоғлом рақобат муҳитининг ривожланишига;

ушбу хизмат тури бўйича тарифларни мазкур қарорда чекланган миқдордан юқори белгиланишига йўл қўймаслик бўйича тегишли чоралар кўрсин.

4. Туман давлат солиқ инспекцияси (Ғ.Досмухамедов) ва туман ҳокимининг биринчи ўрибосари (Б.Валиев)ларга:

бюджет даромадлари кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш устидан қатъий назоратни ўрнатилиш;

транспорт инфратузилмаларидан (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари ва гараж) давлат бюджетига солиқ тушумлари бўйича халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

5. **Учтепа тумани ҳокимлиги матбуот котиби (Т.Тўраев)га:**

мазкур қарор газетада расмий эълон қилиниши
ва www.uchtepatumani.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда, юридик шахсларнинг ер солиқлари бўйича белгиланган ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

6. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Учтепа тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари зиммасига юклатилсин.

Учтепа туман ҳокими **Ф.Р. Абдуллаев**

Халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгашининг
2021 йил 14 декабрдаги
II-42-58-14-202-K/21-сон қарорига
1-илова

Учтепа туманида жойлашган автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш хизматлар тури учун белгиланган тўловнинг чекланган (максимал) миқдори

сўмда

Т/Р	**Автотранспорт воситаларини вақгинча сақлаш учун:**		
	енгил автомашиналар учун	1 соатгача	2000
		2 соатгача	3000
		3 соатгача	4000
		4 соатгача	5000
		4 соат ва ундан ортиқ вақт учун	6000
2.	юк автомашиналари учун	1 соатгача	4000
		2 соатгача	5000
		3 соатгача	6000
		4 соатгача	7000
		4 соат ва ундан ортиқ вақт учун	10000